

**Маъсулияти чекланган корхона
шаклидаги аудиторлик ташкилоти
«ODIL-AUDIT»**

**« O`ZTASHQINEFTGAZ» Акционерлик жамиятнинг
2023 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича ўтказилган
аудиторлик текшируви юзасидан**

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Ҳисобот тақдим этилган сана 23.05.2024 йил.

Аудитор:

**Акционерное Общество
«OZTASHQINEFTGAZ»**

**Финансовая отчетность за год,
Закончившийся 31 декабря 2023 года**



O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Chilonzor t., "Muqimiy" 178-uy. tel: 97-383-89-86, 94-045-77-70.
178, Muqimiy str., Tashkent, 100070, Republic of Uzbekistan, tel: 97-383-89-86, 94-045-77-70

23.05.2024 йил №17

Мустақил аудиторлик хулосаси

«O`ZTASHQINEFTGAZ» акциядорлик жамиятининг таъсисчиларига ва бошқа
фойдаланувчиларига

Фикр

Биз «O`ZTASHQINEFTGAZ» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия баланси, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «O`ZTASHQINEFTGAZ» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабрга бўлган бухгалтерия баланси, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади. (ёки тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради).

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли "Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги"ги қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончининг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаيمиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади⁴;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Мустақил аудит ўтказган аудитор раҳбари
(сер № 05166 рақамли сертификат)

12.10.2013 йилда берилган

Аудиторлик ташкилоти директори:

Ш.А.Алиев

Ш.А.Алиев



«O'ZTASHQINEFTGAZ» АЖ Адрес: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани Истиқбол кўчаси 21-уй., АКБ "Ўзсаноатқурилишбанк" бош офис, х/р 2021000080011784001, МФО:00440, ИНН: 200837954, ОКЭД: 82990.

МЧЖ «ODIL AUDIT» АТ. МВ реестр санаси 11.02.2022 йил. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар район, ул. "Муқумий" 178-уй р/ч: 2020 8000 3005 1328 3001, «Asia Alliance Bank» АТБ Олмазор филиали, МФО 01095, СТИР 202071199

**ОТЧЕТ О ФИНАНСОВОМ ПОЛОЖЕНИИ
ПО СОСТОЯНИЮ НА 31 ДЕКАБРЯ 2023 ГОДА**

Показатели	Прим.	2023г.	2022г.
Активы			тыс.сум
Основные средства по остаточной стоимости	28	0	0
Долгосрочные инвестиции (ценные бумаги) ПСБ банк	28	278 202,00	278 202,00
<i>Текущие активы</i>			
Производственные запасы	28	0	0
Расходы будущих периодов	28	0	0
Торговая и прочая дебиторская задолженность	28	349 413 190,39	349 299 479,46
Авансы выданные поставщикам и подрядчикам	28	404,08	402,12
Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет	28	143 783,36	174 028,72
Прочие дебиторские задолженности	28	32 019,30	32 014,53
Денежные средства на расчетном счете	28	0	0
Денежные средства в иностранной валюте	28	0	0
Краткосрочные инвестиции	28	4 000 000,00	4 000 000,00
ИТОГО ПО АКТИВУ		353 867 599,13	353 784 126,54
Пассивы			
<i>Источники собственных средств</i>	29		
Уставной капитал	29	600 000,00	600 000,00
Резервный капитал	29	617 890,88	617 890,88
Нераспределенная прибыль	29	37 975,73	38 005,85
Итого источники собственных средств	29	1 255 866,61	1 255 896,73
<i>Текущие обязательства</i>	29		
Кредиторская задолженность и начисленные обязательства	29	352 253 541,13	352 203 819,61
Полученные авансы	29	0	0
Задолженность учредителям	29	179 525,66	179 525,66
Прочие кредиторские задолженности	29	39 195,54	38 410,41
Задолженность по платежам в бюджет	29	5 155,29	16 665,52
Задолженность по оплате труда	29	134 314,90	89 808,61
ИТОГО ПО ПАССИВУ		353 867 599,13	353 784 126,54

Подписано от имени Руководства



Директор

Главный бухгалтер

Отчет о финансовом положении является неотъемлемой частью финансовой отчетности к аудиторскому заключению

**ОТЧЕТ О СОВОКУПНОМ ДОХОДЕ
ЗА 2023 ГОД**

тыс.сум.

Показатели	Прим.	2023 г.	2022г.
Выручка	21	0	0
Себестоимость реализованных (товаров и услуг)	21	30 021,27	492 129,9
Валовая прибыль	21	30 021,27	492129,9
Административные расходы	21	57 295,45	139 086,5
Прочие операционные расходы	21	812,38	395,3
Прочие доходы от основной деятельности	21	12 993,21	141 295,1
Прибыль (убыток) от основной деятельности	21	-75 135,89	-490 316,7
Доходы в виде дивидендов	21	0	0
Доходы от валютных курсовых разниц	21	638 518,0	5 342 588,3
Прочие доходы от финансовой, деятельности	21	0	0
Убытки от валютных курсовых разниц	21	563 412,22	4 932 219,3
Прибыль (убыток) до уплаты налога на прибыль	21	-30,11	-79 947,7
Расход по налогу на прибыль	21	0	0
Чистая прибыль(убыток)		-30,11	-79 947,7

Подписано от имени Руководства



Директор

Главный бухгалтер

Отчет о Совокупном Доходе является неотъемлемой частью финансовой отчетности к аудиторскому заключению

I. Кириш қисми

1. Аудиторлик ташкилоти «O`ZTASHQINEFTGAZ» Акционерлик жамияти тўғрисида умумий маълумотлар.
2. Аудит ўтказиш методикаси

II. Таҳлилий қисм

1. Таъсис ва рўйхатдан ўтказиш хужжатлари аудити
2. Устав капиталининг шакллантирилиши аудити
3. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат умумий ҳолатининг аудити
- 3.1. Бухгалтерия ҳисобининг умумий ҳолати аудити
- 3.2. Корхонада ички назорат тизимининг умумий ҳолати аудити
4. Бухгалтерия ҳисоботлари аудити
5. Асосий воситалар ва капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш бўйича операцияларнинг аудити
6. Ишлаб чиқариш заҳиралари аудити
7. Импорт битимлар бўйича сотиб олинган товар моддий қийматликларни бухгалтерия ҳисоботларида акс эттириш таҳлили.
8. Тайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича харидор ва буюртмачилар билан амалга оширилган ҳисоб-китоблар аудити.
9. Нақд пул маблағлари ҳаракатининг аудити.
10. Ҳисоб рақами аудити.
11. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди аудити.
12. Кредитлар ва займлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити
13. Даромад ва харажатлар аудити
14. Бюджет билан ҳисоб-китоблар аудити
- 14.1. Фойда солиғи аудити
- 14.2. Мол-мулк солиғи
- 14.3. Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ва жамғариб бориладиган пенсия таъминотига тўловлар аудити
- 14.4. Қўшилган қиймат солиғи аудити
15. Молиявий кўрсаткичлар таҳлили.

III. Яқуний қисм.

Аудитор:



I.КИРИШ ҚИСМИ

МСНЖ шаклидаги «ODIL AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан 2024 йил 14 майда тўзилган № 22- сонли шартномага мувофиқ «O'ZTASHQINEFTGAZ» Акционерлик жамияти нинг 2023 йил 1 январидан 31 декабрга бўлган даври молия-хўжалик фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш бўйича аудит хизмати кўрсатилди. (келгуси матнларда “Жамият” деб юритилади).

Ўрганиш, МЧЖ «ODIL AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори аудитор Алиев Шерзод Абдихомидович (аудитор малака сертификати № 05166 ЎРМВ 13.10.2013 йил) томонидан ўтказилди.

Аудиторлик текшируви, Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) ва аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ ўтказилди.

Аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад Корхона томонидан 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича шакллантирилган молиявий ва бошқа унга боғлиқ ҳисоботлар бўйича аудитор фикрини билдиришдан иборат. Тақдим этилган молиявий ва бошқа унга боғлиқ ҳисоботлар бўйича аудитор фикри аудиторлик ҳисоботида ифода этилади. Аудитор фақат тақдим этилган молиявий ҳисоботлар бўйича билдирилган фикри доирасида жавобгар ҳисобланади. Мазкур молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун корхона раҳбарияти жавобгардир.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий бўлиб фақат рухсат этилган шахсларга танишишга йўл қўйилади.

1. Аудиторлик ташкилоти ва буюртмачи тўғрисида маълумот

«Бажарувчи»:	Масъулияти чекланган корхона шаклидаги «ODIL AUDIT» аудиторлик ташкилоти
Давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот:	Адлия Вазирлигининг 1996 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан руйхатдан ўтказилган. Руйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома № 271 АВ.
Аудиторлик лицензия:	Молия Вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги № 00826 сонли «Аудиторлик фаолияти билан шуулланиш тўғрисида»ги лицензия.
Фаолиятнинг суғурталанганлиги:	Аудиторлик ташкилотларинг профессионал фаолияти суғурта полиси № ИС 0332498 берилган вақти 16.02.2024 йил «IMKON –SUG'URTA» АЖ
Банк реквизитлари	Ҳисоб рақами №2020 8000 9005 1238 3001 «Asia alliance bank» банк. АТИБ Олмазор филиали бўлимида, МФО 01102, ИНН 202 071 199.
Манзили:	Тошкент шаҳри Чилонзор туман Муқимий 78 уй.
Аудитор:	Аудитор Алиев Шерзод Абдихомидович (аудитор малака сертификати № 05166 ЎРМВ 13.10.2013 йил)
Аудиторлик текшируви ўтказиш учун асос:	«14» май 2024 йилдаги № 22 - сонли шартнома
Шартнома предмети:	2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида
Ҳисобот тақдим қилиш муддати:	«23» май 2024 йил

Аудитор:



Жамият ҳақида маълумот:

Таъсис ҳужжатлари бўйича тўлиқ номланиши:	«O`ZTASHQINEFTGAZ» акциядорлик жамияти
Юридик манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобот тумани Истиқбол кўчаси 21-уй.
Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома:	1993 йил 04 апрел. Реестр тартиб рақами № 07-000047.
Банк реквизитлари:	Ҳисоб рақами: 2021000080011784001 “УЗСКБ” АТБ Тошкент шаҳар Амалиёт булимида Банк коди: 00440. СТИР: 200837954. ИФУТ: 82990
Жамият директори:	Жамшид Рустамович Ибрагимов.
Бош бухгалтер:	Роман Юрьевич Затесов.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан «ODIL AUDIT» аудиторлик маъсулияти чекланган жамият шаклидаги Аудиторлик ташкилотига 2019 йил 16 август куни № 00719 тартиб рақами билан аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун берилган махсус рўхсатнома асосида, Тошкент шаҳар Яшнобот туманида солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинган «O`ZTASHQINEFTGAZ» Акционерлик жамияти билан 14 май 2024 йилдаги № 22 сонли шартномага асосан 2023 йил якуни бўйича тўзилган молиявий хўжалик фаолияти ва ҳисоб-китобларнинг аҳволи юзасидан аудиторлик текшируви ўтказилди. (келгуси матнларда “Жамият” деб юритилади).

Ушбу аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Алиев Шерзод Абдихомидович (аудитор малака сертификати № 05166 ЎРМВ 13.10.2013 йил) томонидан ўтказилди. Текшириш 2024 йил 15 май куни бошланиб, 23 май куни якунланди.

Текшириш ўтказилган даврда жамиятда:

Текшириш даври мобайнида жамият молиявий хўжалик фаолияти учун маъсул бўлиб:

Жамият раиси лавозимида

Жамиятнинг молия хўжалик фаолиятига тегишли барча ҳужжатларга биринчи бўлиб имзо қўйиш ҳукуқи билан жамият раиси лавозимида 07.07.2021 йилдан 18.08.2023 йилгача А.А.Шоалимов, 18.08.2023 йилдан текширув даврига қадар Ж.Р.Ибрагимов фаолият юритган.

Бош ҳисобчи лавозимида

Жамиятда бош ҳисобчи лавозимида иккинчи имзо ҳукуқи билан 7.06.2021 йилдан текширув даврига қадар Р.Ю.Затесов фаолият юритган.

Аудиторлик текшируви жамият раҳбари оғохлигида ҳамда бош ҳисобчи Р.Ю.Затесов иштирокида ўтказилди. (буйруқ нусхалари илова қилинади.)

Текшириш Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда ва Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари асосида ўтказилди. Ўз.Р. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига асосан аудиторлик ҳисоботидаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Мазкур ҳисобот махфий характерга эга бўлиб, чоп этиладиган ва назорат органларига тақдим қилинадиган ҳужжатлар сирасига кирмайди, балки аудиторлик текширув натижаси бўйича аниқланган хато ва камчиликлар

Аудитор:

буйича хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим қилинадиган ҳисобот булиб, фақат ички фойдаланиш учун мўлжалланган.

Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботининг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги ўз фикрини аудиторлик хулосаси орқали билдиради, бу ҳужжат жамиятнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жамият маъсул шахслари жавобгардирлар, аудиторлик ташкилотининг вазифаси аудиторлик текшируви якуни билан молиявий ҳисобот ҳолатига баҳо бериш ҳисобланади. Текширишга тақдим қилинган ҳужжатлар кўламининг кенглиги, аудиторлик таҳлилларнинг ихтиёрий танланма тусга эга эканлиги ва аудиторлик текширувига хос бўлган бошқа чегараланишлар оқибатида, молиявий ҳисоботдаги хатолар ва бузилишларни топмаслик таваккалчилиги мавжуд. Аудиторлик текшируви мазкур таваккалчиликни мумкин қадар камайтиришга қаратилди, лекин хулосаларнинг абсолют аниқлигини кафолатлаш мажбуриятини олмайди.

Текшириш учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларнинг аниқлиги аудитор томонидан танланма усулда таҳлил қилиниши сабабли аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботларининг тўғри тузилганлиги учун аудиторлик таваккалчилиги чегарасида маъсулиятни олади. Ўз.Р 9-сон “Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги” аудиторлик ташкилоти ички стандартларига асосан текшириляётган йил учун муҳимлик даражаси аниқланди.

Муҳимлик даражасини аниқлаш учун жамиятнинг 2023 йил ҳисоботлари кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Базавий кўрсаткич	Ҳисоботда базавий кўрсаткич миқдори, минг сўм	Муҳимлик даражаси, %	Муҳимлик даражаси суммаси, минг сўм
1	2	3	1x2:100
Корхона баланс фойдаси	0	5	0
Сотишдан олинган соф тушум	0	2	0
Баланс валютаси	353 867,6	2	7 077,3
Хусусий капитал	1 255 866,6	10	125 586,66
Давр харажатлари	58 107,8	2	1 162,1
Жами			133 826,1

Олинган натижаларга кўра муҳимлик даражаси 133 826,1 минг сўмга тенг. Яхлитланган ҳолатда аниқлаштирилган муҳимлик даражаси 133 826 минг сўмни ташкил қилади.

Танлаш турлари ва параметрларини аниқлашда, Аудитнинг ҳалқаро стандарти “Аудиторлик танлаш”(АХС 530) қоидалари(стандартлари), ички стандартлар, кўрсатмалар ва методологик тавсиялардан фойдаланилди.

Амалга оширилган процедуралар, тақдим этилган ҳужжатларни синовдан ўтказишга ва Жамиятнинг текширилган давр учун бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг ишончилиги тўғрисида хулосалар чиқаришга имкон беради.

Ушбу текшириш, тақдим этилган ҳужжатлар асосида (текширишга тақдим этилмаган ҳужжатлар учун жамият маъмурияти жавобгардир) ва жамиятда мавжуд бўлган компьютер маълумотларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилди
Текшириш Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия Ҳисоби тўғрисида» ги қонунларга ҳамда Аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА) га ва Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари (БХМС) га мувофиқ ўтказилди .

Аудитор:

Молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жамият маъсул шахслари жавобгардирлар, бизнинг вазифамиз аудиторлик текшируви якуни билан молиявий Ҳисобот ҳолатига баҳо бериш ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жамият маъсул шахслари жавобгардирлар, аудиторлик ташкилотининг вазифаси аудиторлик текшируви якуни билан молиявий ҳисобот ҳолатига баҳо бериш ҳисобланади. Текширишга тақдим қилинган ҳўжжатлар кўламининг кенглиги, аудиторлик таҳлилларнинг ихтиёрий танланма тусга эга эканлиги ва аудиторлик текширувига хос бўлган бошқа чегараланишлар оқибатида, молиявий ҳисоботдаги хатолар ва бўзилишларни топмаслик таваккалчилиги мавжуд. Аудиторлик текшируви мазкур таваккалчиликни мумкин қадар камайтиришга қаратилди, лекин ҳулосаларнинг абсолют аниқлигини кафолатлаш мажбуриятини олмайди.

Аудиторлик текширув даврида жамият томонидан тўзилган молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоби бирламчи ҳўжжатлари амалдаги меъёрий ҳўжжатларга ва бухгалтерия ҳисоби принципларига амал қилинган ҳолда тўзилганлиги, жамият мол-мулк ва маблағларининг бутлиги танлов асосида текширилди.

«O'ZTASHQINEFTGAZ» Акционерлик жамиятининг юридик манзилгоҳи:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри Истиқбол кучаси 21 ўй.

Жамиятнинг 1999 йил 15 ноябрда Тошкент шаҳар Хамза туман Ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида № 1938 сон билан давлат рўйхатидаи ўтказилган, 2014 йилда №07-000047 сон билан ва жамият низомига ўзгартириш киритилган ва кўйидаги кодлар берилган:

ХТТУТ	14856972
ТХШТ	153
МШТ	100
ИФУТ	46760
МХОБТ	1726290
КТУТ	18236683
СТИР	200837954

2023 йил 25 мартда №07-000047 сон билан ва жамият низомига янги таҳрирда ўзгартириш киритилган. Текширув даврига солиқ тўловчи сифатида Яшнобод туман Истиқбол кўчаси 21 ўй бўйича Давлат Солиқ инспекциясида ҳисобда туради.

«O'ZTASHQINEFTGAZ» Акционерлик жамиятининг Низомида унинг фаолияти қўйидагича белгиланган:

- Жамият фаолиятининг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалиги ва аҳолининг иқтисодий, ижтимоий-маданий, маиший ва бошқа эҳтиёжларини қондириш, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ривожланишни кенгайтириш ҳамда акциядорларнинг манфаатлари йўлида фойда (даромад) олишдир.пахта толаси чиқиндиларини қайта ишлашни амалга ошириш ва шу асосда даромад олиш ҳисобланади.
- Нефт, газ ва тармоқ корхоналарининг бошқа маҳсулотларинг импорт бўйича истиқбол дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Нефт ва газ тармоғининг инвестиция сиёсати соҳасига таклифлар ишлаб чиқиш ва лоиҳаларни амалга ошириш учун чет эл капиталини жалб этиш;
- Соҳа халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш (ОПЕК,Европа ҳамжамияти);
- Таминот ва сотиш фаолияти;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари;
- Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан рухсатнома (лицензия) олиниши талаб қилинадиган ваолият тури билан рухсатнома олгандан сўнг шуғулланади ва бошқалар.

Аудитор:

Жамият устав капиталининг шакллантирилиши ва таъсис ҳужжатлари аудити

Ўзбекистон Республикаси «O`ZTASHQINEFTGAZ» Очик турдаги акционерлик жамиятининг 1999 йил 15 ноябрда Тошкент шаҳар шаҳар Хамза туман Хокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида № 1938 сон билан давлат рўйхатидаи ўтказилган, «O`ZTASHQINEFTGAZ» Очик турдаги акционерлик жамияти 2014 йил 08 августда Тошкент шаҳар шаҳар Хамза туман Хокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида № 07-000047 сон билан давлат рўйхатидаи қайта ўтказилиб АЖга айлантирилиб жамият Низомига ўзгартириш киритилган.

Жамиятнинг 2023 йил 11 апрелда Тошкент шаҳар шаҳар Яшнобод туман Хокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида № 07-000047 сон билан давлат рўйхатидаи қайта ўтказилиб жамият янги тахрирдаги Низомига ўзгартириш киритилган.

Жамиятнинг банкда ўз ҳисоб рақами, муҳри ва бурчак тамғаси мавжуд, алоҳида мустақил юридик шахс ҳисобланади.

Жамиятнинг бошқарув органи қўйидагилар ҳисобланади:

- Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши «жамият» бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

Жамиятнинг Устав жамғармаси текширув даврига қадар, жами 600 000,0 минг сўм этиб белгиланган.

Устав жамғармасининг текширув давридаги улушлар бўйича таксимланиши:

Жами жамиятнинг Устав жамғармаси янги тахрир бўйича 600 000,0 минг сўм этиб белгиланган, текширув даврига тўлиқ шакллантирилган.

«O`ZTASHQINEFTGAZ» акциядорлик жамиятининг Устав капиталини шакллантирилишини аудитдан ўтказишда биз, тақдим этилган ҳужжатларга асосланиб қўйидаги қўйидаги жиҳат (аспект)ларни ўргандик:

1. Бухгалтерия ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрларининг идентификациясини текшириш.
2. Бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини текшириш.
3. Эълон қилинган устав фондини ўз вақтида ва тўлиқ акс эттиришни текшириш.
4. Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартиб, ҳажм, усул ва муддатларни ҳисобга олган ҳолда иштирокчилар хиссалари, уларнинг устав капиталидаги улуши (хиссаси) бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисобга олишининг тўлиқлиги ва ўз вақтида бажарилишини текшириш.
5. Таъсис ҳужжатларидаги ўзгаришларни бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва асосланган ҳолда акс эттиришни текшириш.

«O`ZTASHQINEFTGAZ» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1993 йил 09 апрел санасида 0407-000047 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

Таъсисчилар умумий йиғилишининг 2023 йил 25 мартдаги баённомасига асосан, таъсисчилар қарори билан жамият Устави қайта рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ. N 310-II, 06.12.2001 й.) 14-моддасининг 5-хатбошига асосан жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати жамият соф активлари қийматининг унинг улуши миқдorigа мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлиши белгиланган.

Аудитор:

Ўрганилаётган давр ҳолатига таъсисчиларнинг Устав фонди 600 000 000 сўмни ташкил этган. Устав фондига киритилган пул маблағлари ҳисобига таъсисчилар улуши ва улушларнинг номинал қиймати қайта тақсимланган ва тегишли тартибда Устав фонди 2023 йил 11 апрелда қайта Давлат рўйхатидан ўтказилган.

Устав капиталининг шакллантирилишини текшириш натижаларига кўра:

1. «O`ZTASHQINEFTGAZ» акциядорлик жамияти таъсисчиларининг жамиятнинг Устав фондига киритган улушлари банк ҳужжатлари билан тасдиқланган.
2. Устав фонди миқдори таъсис ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ шакллантирилган. Бухгалтерия ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари идентификацияланган.
3. Таъсисчиларнинг таъсис ҳужжатларига асосан улушларини таъсис шартномасига мувофиқлиги таъминланган.
4. Уставга капиталига киритилган ўзгартишлар тегишли ҳужжатлар билан асосланган.
5. Устав капиталини шакллантириш ва унга ўзгартиш киритиш бўйича операцияларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш тартибига риоя қилиниши бўйича хатоликлар аниқланмади.

Хулоса: «O`ZTASHQINEFTGAZ» акциядорлик жамиятининг Устав капиталининг шакллантирилиши ва бухгалтерия ҳисобини юритилиши амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб беради.

Аналитик қисм

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви, Жамият томонидан тақдим этилган банк, хазина ҳужжатлари, моддий жавобгар шахслар материал ҳисоботлари, таъминотчи ва истеъмолчи ташкилотларнинг ҳужжатлари ва бошқа бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, қонунлари асосида ўтказилди.

Томонларнинг жавобгарлиги:

Текширув ўтказиш учун аудиторга тақдим этилган материалларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигига жамият раҳбарияти, текширувга тақдим этилган материаллар асосида аудитор ҳисоботини тузишга аудитор жавобгардир.

Аудит текшируви ўтказилишида қуйидаги ахборот манбааларидан фойдаланилди:

жамиятнинг молиявий ҳисоботлари, баланси, асосий воситалар ҳаракати ҳисоботи, қолдиқ-айланма қайдномалари, актив ва пассив счетлар баланс ҳисоботлари таҳлиллари ва ходимлар билан ҳисоб-китоб қайдномалари, бошлиқ буйруқлари ва бошқа молиявий ҳужжатлар.

Жамиятнинг таъминотчи билан тузилган шартномалари, банк ҳужжатлари.

Аудит текширувида тақдим этилган материалларни танлаб олиш методи асос қилиб олинди, шунингдек, ҳаққонийлигини тасдиқлаш, ҳужжатлар асосида кузатиш, сўраш, аналитик тестлар ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Аудиторлик текшируви жараёни қуйидаги норматив актлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилди:

Халқаро аудиторлик стандартлари;

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари;

Аудитор:

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти» ва «Бухгалтерия ҳисоби» тўғрисидаги қонунлар;
Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини юритиш норматив ҳужжатлари.

Ички назорат ҳолати

Жамиятнинг ички назоратни амалга ошириш тартиби белгиланган. Хўжалик муомалалари икки томонлама ёзув усулида қайд этилган, бухгалтерия ҳисоби аналитик ва синтетик ҳисоблари асосида ташкил этилган, тегишли ҳисоб қайднома (реестр)лари юритилган, бухгалтерия ҳисоботлари баланс тузиш билан яқунланган.

Харид қилинган моддий қийматликлар (қабул қилинган ишлар, хизматлар)нинг ҳисоб фактураларини, шунингдек, (бajarилган ишлар, хизматлар)нинг ҳисоб-фактураларини реестрлари электрон тарзида юритилган.

Жамиятда бухгалтерлик тизими, ички назорат ва ҳисоб сиёсатининг аудити

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг умумий ҳолатини аудитдан ўтказишда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан қўланма сифатида фойдаланилди:

Халқаро аудит стандартлари АХС-510 “Дастлаб бажариладиган аудиторлик тоншириғи: давр бошига қолдиқлар”, АХС-200 “Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудит ўтказишда мустақил аудиторнинг асосий мақсади”;

Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш бўйича аудиторлик ташкилотнинг ички стандартлари, кўрсатмалари ва методологик тавсиялари;

1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” (АВ томонидан 14.08.1998 й. 474-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги томонидан 26.07.1998 й. 17-17/86-сон билан тасдиқланган).

“Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида” Низом (АВ.2004 й.14 январ,pp. 1297)

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисоблари режаси ва уни қўллаш” бўйича ЙЎРИҚНОМА (АВ,pp. 1181, 23.10.2002 й.)

Ҳисоб сиёсати

Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1996 йил № 279-1 сонли «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 26.07.1998 йил № 11-71-86-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.08.1998 йил № 474 сон билан рўйхатга олинган № 1 сонли БҲМС нинг (Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот) талабларига мувофиқ Жамият мулкчилик шаклидан қаятий назар ҳисоб сиёсати ишлаб чиқиши белгилаб қўйилган.

Жамиятда ушбу талабларнинг бажарилиши ўрганилганда Солиқ кодексининг 77-моддаси асосида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган ва шу асосида бухгалтерия ҳисоб-китоблари амалга оширилиб келмоқда. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб татбиқ этилади.

Молиявий қўйилмалар

Бухгалтерия балансида қайд этилган молиявий қўйилмалар, банкдаги пул маблағлари қолдиғи, истеъмолчи ва буюртмачилар дебиторлик қарздорликлари, таъминотчи ва пудратчилар кредиторлик қарздорликлари, қарздорлик маблағлари, қарзга олинган маблағлари.

Аудитор:

Тайёрлаш принциплари

Жамият раҳбариятига бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисоботларни тайёрлашда, ҳисобот тайёрлаш кунига активлар ва пасивлар суммаларига таъсир этувчи ҳисобот даври даромадлар ва харажатлар суммалари тақдим этиб борилган.

Ҳисобот валютаси

Мазкур молиявий ҳисобот миллий валютада: ўзбек сўмида юритилган.

Бухгалтерия ҳисоби юритилиши амалиёти

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг умумий ҳолатини аудитдан ўтказишда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан қўланма сифатида фойдаланилди:

Халқаро аудит стандартлари АХС-510 “Дастлаб бажариладиган аудиторлик топшириғи: давр бошига қолдиқлар”, АХС-200 “Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудит ўтказишда мустақил аудиторнинг асосий мақсади”;

Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш бўйича аудиторлик ташкилотнинг ички стандартлари, кўрсатмалари ва методологик тавсиялари;

1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” (АВ томонидан 14.08.1998 й. 474-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги томонидан 26.07.1998 й. 17-17/86-сон билан тасдиқланган).

“Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида” Низом (АВ.2004 й.14 январ,рр. 1297)

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш” бўйича ЙЎРИҚНОМА (АВ.рр. 1181, 23.10.2002 й.)

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб татбиқ этилади

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонун асосида жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган “1-С Бухгалтерия” 8.3 дастури асосида юритилган. Хар ой ва чоракда тегишли ташкилотларга статистик ва мажбурий тўловлар, даромад солиқлари бўйича ҳисоботлари топширилган. Жамиятда айрим бухгалтерия бирламчи ҳужжатларини расмийлаштиришда камчиликларга йул қуйилган.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти № 21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти счётлар режаси ва уни юритиш тўғрисида қўлланмалар»га амал қилинган.

Бизнинг фикримизча юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби тизими фаолиятнинг моҳияти ва масшабига мувофиқ келади.

Ички аудит хизмати тўғрисида

Корхона Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига асосан Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низомнинг 45-1 моддасига кўра “Ички аудит хизмати” ташкил этилмаган. Мазкур низомга асосан Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Жамиятнинг

Аудитор:

кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ушбу қарорнинг 7-бандига асосан Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак ҳамда корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланади. Ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қилиши кўзда тутилган. “Ички аудит хизмати” ташкил этилиши корхонада жиддий хатоликларни йўл қўймаслик, фирибгарлик ёки хатолик туфайли хисоботларни бўзиб кўрсатишлар юзага келишини олдини олиш мумкин бўлади.

Текшириш давомида жамиятда Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан камлиги маълум бўлди. Жамиятда активлар яъни Асосий воситалар 69 281,5 минг сўмни, Товар-моддий захиралари 0,0 минг сўмни ташкил этади.

Асосий воситалар ҳисобининг аудити

Асосий воситаларнинг аудити ЎзР нинг 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни, ЎзР. Солиқ Кодекси, 5- сонли БҲМС “Асосий воситалар” асосида ўтказилди.

Мавжуд асосий воситалар ҳисоби классификация гуруҳлари бўйича юритилган.

Асосий воситаларнинг 01.01.2023 йил ҳолатига бошланғич ва қолдиқ қийматлари қайта баҳолашдан сунг қўйидагича кўрсатилган:

Текширишга тақдим этилган асосий воситаларнинг қайта баҳолаш ҳисоб-китобига кўра, индексация йўли билан қайта баҳоланиб келинган. Қайта баҳолашдан ҳосил бўлган фарқ сўммалар 8510-счётга олиб борилган. Жамиятда 2023 йил давомида асосий воситалар кирим-чиқим килинмаган.

Асосий воситаларнинг 31.12.2023 йил ҳолатига бошланғич ва қолдиқ қийматлари қўйидагича кўрсатилган:

Кўрсаткичлар	Жамият бўйича	Аудит бўйича	Фарқи
Баланс қиймати	69281,5	69281,5	0
Эскириш сўммаси	69281,5	69281,5	0
Қолдиқ қиймати	0	0	0

№ сч	Ўзув мазмуни	Қолдиқ 01.01.2023 й.	Қолдиқ 31.12.2023 й.
0140	Мебел ва офис жихозлари	35567,1	35567,1
0150	Компютер жихозлари ва ҳисоб.тех.	33408,3	33408,3
Х	Жами 0100-счёт:	69281,5	69281,5

Текширишга тақдим этилган ҳўжжатларга кўра жамиятнинг асосий воситаларига нисбатан ҳисобланган амортизация харажатлари кўриб чиқилди. Амортизация харажатлари белгиланган тартиб бўйича Солиқ кодексига кўзда тўтилган ставкаларда ҳисобланиб, тегишли харажат счётларига олиб борилган.

Жорий активлар

Товар моддий захиралар ҳисоб китоби аудити.

Товар моддий захиралар ҳисоб китоби аудитдан ўтказишда биз томондан қўйидаги ҳужжатлар ўрганилди:

2023 йил 31 декабрь ҳолатига шакллантирилган Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари;

Ишлаб чиқариш захираларининг (10,15,20,21,28,29 счётлар бўйича) аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;

Аудитор:

Шартномалар ва ёзишмалар;

Моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар;

Моддий ишлаб чиқариш заҳираларини қабул қилиш ва ҳисобдан чиқаришга юк хатлари, далолатномалар, счет-фактуралар ва бошқа бирламчи ҳужжатлар.

Жамият томонидан товар моддий заҳиралар № 1030, № 1040, № 1050, № 1080, № 1090 сонли ҳисоб счётларда юритилган.

Товар моддий заҳиралар ишонч қоғозлари асосида, счет фактура орқали кирим қилинган электрон тарзда. Товар моддий заҳиралар счёт фактуралар, юк хатлари, яроқсизлик далолатномалари, ҳисобдан чиқариш ҳамда ўрнатиш далолатномалари, тарқатиш қайдномалари асосида чиқим қилинган.

Моддий жавобгар шахслар томонидан ойлик миқдорий шаклдаги ҳисоботлар тузилган. Моддий жавобгар шахслар билан Жамият ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилмаган.

Товар моддий заҳиралар қолдиғи 2022 йил 31-декабр ҳолатига 0,00 минг сўмни ташкил қилиб, 2023 йил давомида товар моддий заҳиралар кирим чиқим қилинмаган. 2023 йил 31-декабр ҳолатига товар моддий заҳиралар қолдиғи 0,00 минг сўмни ташкил қилган.

Кредитлар ва займлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити

Кредитлар ва займлар бўйича ҳисоб-китобларни аудитдан ўтказишда, биз қуйидаги ҳужжатларни ўргандик:

2023 йил 1 январ ҳолатига шаклантирилган Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлари;
58,68,78 счетлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;

Кредит шартномалари, займ шартномалари ва ёзишмалар;

Ҳисоб рақамларидан банк кўчирмалари;

Кредитлар ва займларни инвентаризациядан ўтказиш натижалари, ўзаро қарздорликларни таққослаш далолатномалари.

2023 йил 31 декабр ҳолатига шаклантирилган Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2023 йил 31 декабр ҳолатига берилган қисқа муддатли займлар бўйича қолдиқ 4 000 000,0 минг сўмни ташкил этган.

Ўтказилган ўрганиш натижаларига асосан:

- ✓ Бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичлари билан бухгалтерия ҳисоби регистрлари ўзаро таққосланганда фарқлар аниқланмади.
- ✓ Кредитлар ва займлар ҳаракати бўйича расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тузилган.
- ✓ Кредитлар ва займлар ҳаракати ўз вақтида ҳисобга олинган ва уларни аналитик ҳисоби ташкил этилган.
- ✓ Кредитлар ва займлар бўйича расмийлаштирилган шартномалар амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тузилган.
- ✓ Кредитлар ва займларнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоби амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ юритилган.

Ўз маблағлари манбалари

